Yagona Vatan, yagona xalq bo‘lib,
yangi hayot va kelajak yaratamiz!

Haqsevar ona yurt, mangu bo`l obod!

TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
26-avgust
CHORSHANBA
№ 68-69
(13929-30)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_

Viloyat bo‘ylab

PARKENT tumanida turizm sohasidagi yana bir yirik loyiha – zamonaviy “Silver Valley” oilaviy dam olish majmuasi foydalanishga topshirildi. Kumushkon hududida joylashgan mazkur majmua 29,5 gektar maydonni egallaydi. Bu yerda mehmonlar uchun 120 o‘rinli 12 ta shale, zamonaviy restoran, “Yurta” nomli 12 ta restoran-o‘tov, sauna va basseynlar, milliy o‘tovlar, sport va bolalar maydonchalari, ziplayn va tyubing attraksionlari, yozgi kinoteatr, fotozonalar hamda sayil va piknik hududlari tashkil etilgan.

PISKENT tumani hokimligi va Belarus Respublikasining Brest viloyati Stolin tumani rahbariyati o‘rtasida ikki kunlik hamkorlik uchrashuvi bo‘lib o‘tdi. Muloqotlarda sanoat, qishloq xo‘jaligi, savdo, investisiya, veterinariya, ta’lim, madaniyat va turizm sohalarida hamkorlikning ustuvor yo‘nalishlari muhokama qilindi. Shuningdek, zamonaviy texnologiyalar, mahsulot sifati nazorati va qishloq xo‘jaligi xom ashyosini qayta ishlash tajribasi o‘rganildi.

Viloyat Xalq qabulxonasida viloyat hokimining o‘rinbosari I.Arzikulov ishtirokida fuqarolar uchun navbatdagi qabul tashkil etildi. Unda aholi tomonidan bandlik va mehnat munosabatlari, ijtimoiy himoya va boshqa yo‘nalishlarga oid murojaatlar ko‘rib chiqildi. Qo‘shimcha o‘rganishni talab etadigan masalalar alohida nazoratga olinib, ularning ijrosini belgilangan muddatlarda ta’minlash bo‘yicha mas’ullar biriktirildi.

BEKOBOD shahrining “Do‘stlik” mahallasida “Bekobod tarixi muzeyi”ning tantanali ochilish marosimi bo‘lib o‘tdi. O‘zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining 35 yilligi arafasida foydalanishga topshirilgan mazkur muzey bekobodliklar uchun bayramga munosib tuhfa bo‘ldi.



Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раислигида навбатдаги “Ҳокимлик соати” муҳокамалари бўлиб ўтди.



▼ Ҳокимлик соати

Муҳокама марказида долзарб масалалар

Унда вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ қатор долзарб масалалар кун тартибига қўйилди.

Хусусан, 2026 йил дастурига киритилган мактабларда қурилиш ишларини якунлаш ҳамда объектларни қабул қилиш ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларининг бориши, шунингдек, мактабларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида танлов ғолибларини аниқлаш, қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилган таълим муассасаларига жиҳозларни етказиб бериш графикларининг ижроси муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

▼ Бунёдкорлик

Мустақиллик байрами арафасида Оҳангарон туманида аҳоли, айниқса, ёшлар учун қулай шароитлар яратишга қаратилган бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда.



“Қизилой” ёшларига туҳфа



Хусусан “Қизилой” маҳалласида қатор ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

Куни кеча маҳалла ёшлари учун барпо этилган замонавий спорт комплексининг очилиш маросими бўлди.

Янги мажмуа ёшларни спортга кенг жалб қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳамда иқтидорли спортчиларни кашф этиш учун хизмат қилади.

Тантанали тадбирда маҳалла аҳли, туман фаоллари ҳамда Республика ишчи гуруҳи вакиллари иштирок этишди. Меҳмонлар янги спорт мажмуасида яратилган шароитлар билан танишишди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 22 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар самарасини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг кўп қиррали ижодий ва илмий-амалий фаолияти билан халқимизнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, юртимизда илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат соҳалари, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, жамиятда тинчлик ва тотувлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги самарали хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Темиров Воҳиджон Омонович – Чирчиқ олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказининг юнон-рум кураши бўйича катта мураббийси

“Дўстлик” ордени билан

Галиев Рашид Талипович – “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари таҳририяти фотомухбири

Чистополова Татяна Валерьевна – “Славутич” республика украин маданият марказининг Олмалиқ шаҳар бўлими раиси

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Мавлянова Рахима Абдишукуровна – Олмалиқ шаҳридаги оилавий поликлиникаси бўлим мудири

“Келажак бунёдкори” медали билан

Исроилов Отабек Одилжон ўғли – Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шаҳри “Машъал” ижтимоий-сиёсий газетасининг бош муҳаррири

“Шуҳрат” медали билан

Жураев Алимжон Усарович – Зангиота туманидаги “Зангиота” масжиди мутаваллиси

(Давоми 2-саҳифада)

▼ Эътироф

Нурафшон шаҳрида Бешинчи «Устозлар миллий форуми» ҳудудий босқичининг тантанали ёпилиш маросими ҳамда тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.

«УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ»НИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Унда Мактабгача ва мактаб таълими вазири Эъзоза Каримова, вилоят Таълим кенгаши раҳбари Зойир Мирзаев, соҳа мутасаддилари, таълим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаол ва фидойи педагоглар иштирок этишди.

Тадбирда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, соҳадаги янгиликлар, эришилаётган натижалар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, форум доирасида ўтказилган тадбирлар, педагогларнинг илғор тажрибалари ва касбий маҳоратини оширишга қаратилган ташаббуслар сарҳисоб қилинди.

Тантанали тадбир давомида таълим ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойи инсонларнинг меҳнати алоҳида эътироф этилди. Жумладан, вилоят ҳокими Зойир Мирзаевга «Халқ таълими фидойиси», вилоят Касаба уюшмаси раҳбари Сайёра Файзиева ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокими Жўрабек Аҳмедовга «Таълим ҳомийси» кўкрак нишонлари топширилди.

Шунингдек, бир гуруҳ фаол ва фидойи педагоглар «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонлари билан тақдирландилар.

Форумда ўз фаолиятида юқори натижаларга эришган, таълим сифатини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган устозларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларга Туркияда малака ошириш имконини берувчи йўлланмалар топширилди.

Анжуманда ўтган ўқув йили якунлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришган мактаблар жамоалари ва илғор педагоглар ҳам эътироф этилиб, уларга вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

"Semurg`"ning ilk parvozi



Yangi o‘quv yilidan Yangiyo‘l tumanidagi yangi bilim maskani – «Semurg‘» xususiy maktabi o‘z faoliyatini boshlaydi. Zamonaviy sharoitlar, tajribali ustozlar va o‘quvchilar uchun yaratilgan keng imkoniyatlar jamlangan mazkur dargohda sifatli ta’lim olish bilan bir qatorda, bolalarning bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etishi, sport bilan shug‘ullanishi va qo‘shimcha bilimlarni egallashi uchun ham barcha zarur sharoitlar yaratilgan.

Муҳокама марказида долзарб масалалар

Йиғилишда ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш ва битирувчилар бандлигини таъминлашда иш берувчи ва буюртмачилар иштирокини янада кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 20 августдаги “Техни-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

кумларда ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш ва битирувчилар бандлигини таъминлашда буюртмачилар иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар бўйича масъуллар ахбороти эшитилди.

Президентимизнинг маданият, санъат ва адабиёт соҳаларига қаратаётган эътибори ва бу йўналишда берилган топшириқлар ижросининг бориши ҳам кун тартибидан ўрин олди. Хусусан, театр, кино, рақс, опера, фольклор ва эстрада каби 21 та йўналишда ташкил этилган ижодий бирлашмалар томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш, ижодий жамоалар фаоллигини ошириш ва аҳолига сифатли маданий хизмат кўрсатиш масалаларига эътибор қаратилди.

“Ижтимоий реестр”га киритилган II гуруҳ ногиронлиги бўлган, меҳнатга лаёқатли оила аъзолари бўлмаган хонадонларни таъмирлаш ишларининг ҳолати ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокамалар якунида кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича масъул раҳбарларга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Топшириқлар ижросини таъминлаш, белгиланган ишларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

▼ Ислоҳот

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда ортга назар ташлаб, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, олдинда турган вазифаларни белгилаб олиш фойдадан ҳоли эмас. Зеро, халқимиз азалдан тўйга тўёна тайёрлаган, байрамларни муносиб ютуқлар билан қарши олган. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарасини ҳар қадамда кўриш мумкин.

МАҲАЛЛА ЭШИГИ ОЧИҚ БЎЛСА...



Одамлар маҳалла идорасига шунчаки келмайди. Кимдир иш излаб, кимдир рўзғоридаги муаммосига ечим топиш учун, яна кимдир қувончини баҳам кўриш мақсадида маҳалла эшигини тақиллатади. Бу эшикнинг қанчалик осон очилиши эса бинонинг эшигига эмас, одамларнинг дардига қанчалик яқин бўлишга боғлиқ. Бугун Қибрай туманидаги “Кўприкбоши” маҳалласида ана шу эшикни очиқ тутиш, аҳолининг муаммосини тинглабгина қолмай, унга амалий ечим топиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 июнь куни имзолаган “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳам бунинг ёрқин далилидир. Мазкур ҳужжат маҳалла институтини янада ривожлантириш, уни давлат ва жамият ўртасидаги энг муҳим бошқарув бўғинига айлантириш йўлидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Фармонга кўра, маҳалла тизими фаолиятини ташкил этишда янги босқич бошланди. Эндиликда маҳалла бошқаруви, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда давлат органлари билан ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш бўйича аниқ вазифалар олдимизда турибди.

Буларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад эса битта – аҳолининг розилиги, маҳалланинг ривожи ва инсон қадрини юксалтириш.

Бугун “Кўприкбоши” маҳалласида амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шу мақсад билан уйғун.

Маҳаллада қарийб 6 минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 1 минг 171 та хонадон, 1 минг 701 та оила мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти ибратли оилалар сифатида эътироф этилган. Бу катта жамоанинг тинчлиги, фаровонлиги ва бандлигини таъминлаш эса доимий эътибор ва изчил меҳнатни талаб қилади.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Долзарб 40 кунлик” тадбирларида маҳалла аҳолиси ҳам фаол иштирок этди. Ўтган қисқа вақт ичида 141 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. 70 та оилада яшаётган 207 нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди. 15 та оилага жами 200 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

14 нафар ёш касб-ҳунарга ўқишга жалб қилинди. Хорижда ишлаш истагини билдирган 2 нафар фуқарога тегишли тавсиялар берилди. 6 та юридик ва 17 нафар жисмоний шахс томонидан микролойиҳалар ишга туширилди.

Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда “Маҳалла банкири” билан ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда зарур хона ва компьютер жиҳозлари ажратилди. Банк ходимлари иштирокида ўқув семинарлари ташкил этилиб, тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилди. Эътиборлиси, ушбу учрашувларда 23 та муаммоли масала манзилли ҳал этилди.

“Маҳалла банкири”га келиб тушган буюртманомалар доирасида 10 та мурожаат кўриб чиқилиб, 11 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 5 та тадбиркорлик лойиҳасига 132 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Маҳалланинг ободлиги эса аҳолининг кайфияти ва турмуш шароитида яққол акс этади. Шу боис инфратузилмани ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қорасув ва Нодирабегим кўчаларига 3,4 километр узунликда тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Мавжуд 2 та сув иншоотидан бири тўлиқ реконструкция қилинди. “Очиқ бюджет” дастури орқали умумий узунлиги 4,5 километр бўлган 6 та ички кўчага асфальт ётқизилди. Қолаверса, 710 та хонадон томорқасидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. 70 та хонадон ва 9 та кўча обод қилинди, 3,8 километр ариқ ва лотоклар тозаланди. 8 тонна чиқинди олиб чиқилди. Ҳудудга 10 минг туп гул ҳамда 340 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Қуёш панеллари орқали ишлайдиган 55 та датчикли тунги ёритиш чироғи ўрнатилди, 1 километр пиёдалар йўлакчаси барпо этилди.

Шунингдек, Қорасув, Нодирабегим, Бобур ва Камолот кўчаларидаги 67 дона эскирган симёғочлар янги бетон устунларга алмаштирилди. Уларнинг 17 донаси ҳомийлар томонидан олиб берилди.

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Аммо рақамларнинг ўзи эмас, уларнинг ортида турган одамлар меҳнати ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Маҳалладаги тадбиркорлар ва ҳомийлар ўз ёрдамини аямай, турли кўринишдаги кўмаклари билан аҳолининг оғирини енгил қилишга ҳисса қўшиб келишмоқда.

Маҳалламизда оилаларни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу мақсадда уч авлод учрашувлари, “Қўша қариш саодати”, фестиваллар ва турли кўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда. Чунки маҳалла фақат муаммолар ҳал қилинадиган маскан эмас. У одамларни бирлаштирадиган, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайдиган муҳит ҳамдир.

Олдимиздаги мақсад аниқ: маҳалламизни камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли, тинч ва осойишта, обод ҳудудга айлантириш. Бунинг учун эса ҳар бир хонадон, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг дарди ва ташвишига бефарқ бўлмаслик керак.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Маҳалланинг эшиги шунинг учун ҳам осон очилиши керак. Унинг остонасидан кирган инсон бу ердан шунчаки жавоб эмас, имкон қадар ечим, эътибор ва умид билан чиқиши муҳим. “Кўприкбоши”да қилинаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳам аслида шунда.

Дилафрўз КАМАЛОВА,
Қибрай туманидаги
“Кўприкбоши” МФЙ раиси

МУКОФОТ МУБОРАК!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 22 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН

Туранов Ғуломжон Мирзахматович – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш бўлинмаси пўлат эритувчиси

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Кушматова Дилфуза Турсунбаевна – «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг навли прокатлаш бўлинмаси кран машинисти

Хурсанов Абдулло Халмурадович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдураимов Мирзакарим Абдиганиевич – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи майдаловчиси

Намазов Азамат Исаматович – «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг «Транспорт» филиали кран машинисти

Норметов Наримбай Эрхонович – «Чирчиқ трансформатор заводи» акциядорлик жамиятининг изоляция ва таркибий қисмлар цехи созловчиси

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Мирзақулов Умматқул Маматқулович – «Угом-Чотқол» давлат миллий табиат боғи бош директори

Худоев Салим Саидович – “Ўзйўлкўприк” кластерининг Тошкент вилояти филиали давлат муассасаси директори

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН

Шойўлдошова Биллура Шохайдар қизи – Паркент туманидаги «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Акбарова Мукаррам Махсудалиевна – «Ҳунарманд» уюшмаси Тошкент вилояти бошқармаси аъзоси, миллий қўғирчоқлар ясовчиси

Холматова Нилуфар Абдурауповна – Олмалиқ шаҳридаги «Тилляхон-барака» ногиронларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш маркази таъсисчиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

(100 ёшдан ошганлар)

Агзамова Жангил – Бўка тумани

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдукадиров Ортиқ Азимович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Рух заводи электр-газ пайвандчиси

Азаматова Феруза Шавкатовна – Ўрта Чирчиқ тумани солиқ инспекциясининг маҳаллаларга бириктирилган солиқ инспекторлари шўъбаси бош инспектори

Алимова Бўстон Ўринбоевна – Янгийўл туманидаги шахсий томорқа ер эгаси

Атабаева Насиба Миннибаевна – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси таъмирлаш-механика бўлими чилангари

Дадаматова Гавхар Махамадалиевна – Нурафшон шаҳри «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази директори

Курбанов Нурмухамед Абдуназарович – «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Саноат темир йўл транспорти бошқармаси электровоз машинисти

Маматов Уктам Алижанович – Бекобод туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси

Мирзаев Улуғбек Махаматкарим ўғли – Зангиота туманидаги «Technologies of real time» масъулияти чекланган жамияти директори

Рахманова Умида Адиловна – Қибрай туманидаги «Miss lighting» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Холматов Бахтиёр Турсуназарович – Чиноз тумани «Сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасасининг экскаватор машинисти

Эшов Васит Нурматович – "Тошкент иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамияти марказлаштирилган таъмирлаш цехи чилангари

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 22 августдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун мукофотланган юртдошларимиз орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

“СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” МЕДАЛИ БИЛАН

Азимова Барно Батировна – Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси бўлим катта инспектори

Калжанов Мейржан Изатиллаевич – Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси қўриқлаш хизмати бошлиғи

Хасанов Халмамат Махмудович – Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси

TANLOV HAM, NARX HAM MAQBUL

Yangi o‘quv yiliga tayyorgarlik har bir oilada alohida mas’uliyat va xarajatni talab qiladi. Ayniqsa, ikki yoki uch nafar farzandi maktabda o‘qiydigan oilalar uchun bu davrda xarajatlar ko‘payadi. Shuni e’tiborga olib, Toshkent viloyatidagi dehqon bozorlari va “Toshvilbozorsavdo” uyushmasi tizimidagi savdo majmualarida tashkil etilgan maktab yarmarkalari ota-onalar uchun qulaylik yaratmoqda.

▼ Maktab yarmarkalari

Mazkur savdo nuqtalarida maktab formasi, kanselyariya mahsulotlari, portfel, ryukzak va boshqa o‘quv anjomlari xaridorlarga taklif etilmoqda. Eng muhimi, mahsulotlarning asosiy qismi mahalliy ishlab chiqaruvchilar tomonidan tayyorlangan. Bu esa xaridorlar uchun qulay narxlarni ta’minlash bilan birga, yurtimizda ishlab chiqarish va tadbirkorlikni rivojlantirishga ham xizmat qilmoqda.

E’tiborlisi, savdo jarayonlari “Toshvilbozorsavdo” uyushmasi tomonidan muntazam monitoring qilib borilmoqda. Aholining fikr-mulohazalari o‘rganilib, xaridorlar va tadbirkorlar uchun zarur sharoitlarni yanada yaxshilash choralari ko‘rilmoqda. Shuningdek, narxlarning asossiz ravishda oshirilishiga yo‘l qo‘ymaslik uchun nazorat qilinmoqda.

Yarmarkalar orasida “Bekobod savdo kompleksi” MCHJ tomonidan tashkil etilgan 65 ta savdo nuqtasi alohida o‘rin tutadi. Buning asosiy sabablaridan biri Bekobod shahri va tumanida aholi sonining izchil ortib borayotgani hamda maktab o‘quvchilari uchun zarur mahsulotlarga talabning yuqoriligidir. Savdo nuqtalarining ko‘pligi esa aholining ehtiyojini qondirish, xaridorlarga keng tanlov imkonini yaratish va xizmat ko‘rsatish sifatini oshirishga yordam bermoqda.

Zangiota tumanidagi “Ilm shu’lasi kanselyariya mollari savdo kompleksi” MCHJ faoliyati ham bu borada e’tiborga loyiq. O‘zbekistondagi yirik kanselyariya mahsulotlari savdo majmualaridan biri hisoblangan ushbu MCHJda mahsulotlarni ulgurji narxlarda xarid qilish imkoniyati mavjud. Shu bois bu yerga nafaqat Toshkent viloyatining tuman va shaharlaridan, balki mamlakatimizning boshqa hududlaridan ham xaridorlar kelishmoqda.



Ayni paytda savdo majmuasi hududida 350 nafar tadbirkor faoliyat olib bormoqda. Xaridorlar va tadbirkorlar xavfsizligini ta’minlash maqsadida hududga 75 ta videokuzatuv kamerasi o‘rnatilgan. Shuningdek, yong‘in xavfsizligi uchun zarur yong‘in kranlari, gidrantlar va o‘t o‘chirgichlar mavjud.

Qolaversa, bozor hududida umumiy ovqatlanish shoxobchalari faoliyat yuritib, ularda sanitariya-gigiyena talablariga rioya etilishi ta’minlangan.

Bir so‘z bilan aytganda, viloyatda tashkil etilgan maktab yarmarkalari yangi o‘quv yiliga tayyorgarlik ko‘rayotgan oilalar uchun zarur imkoniyatlarni bir joyga jamlamoqda. Sifatli mahsulotlarning qulay narxlarda taklif etilishi ota-onalarning vaqti va mablag‘ini tejashga xizmat qilsa, mahalliy ishlab chiqaruvchilar mahsulotlariga bo‘lgan talabning ortishi tadbirkorlik va ichki bozor rivojiga turtki bermoqda.

Abdumannop ABDULXAYEV,
“Toshvilbozorsavdo” AJ raisi



ОҚАЁТГАН ДАРЁ...

[Очерк]

...Эрталабдан бери чеҳраси очилиб-очилмай турган ҳаво чошгоҳга бориб бутунлай тундлашиб олди. Худди ўпкаси тўлиб, йиғлашга баҳона излаётган аразчи аёлдай... Сал ўтмай самонинг аллақаерида “қасир-қусур” булутлар жанги бошланди... Тамом... Энди ёғмай қўймайди. Ўт босган эгатга эгилиб олганича чопиққа зўр бераётган Пардахол шабадада енгил тебраниб турган ғўза баргларига ёмғир томчилай бошлагач, ҳаракатни янада жадаллаштирди. “Улгуришим керак... Ёмғир тезлашгунича шу эгатни охирига етказмасам бўлмайди...” У катта ўқариқ бошига етиб келганида бутун уст-боши жиққа ҳўл бўлган, кетмон дастасини шу қадар қаттиқ ушлаганидан кафтлари чўғдай қизариб кетган эди.



У кеч тушмай туриб ишни тўхтатишга мажбур бўлаётганидан афсусланиб, кетмонни елкасига ташлади-да, илдам юриб канал бўйлаб кетган тупроқ йўлга чиқиб олди. Ҳавонинг авзойи бузуқлигидан кўпчилик чопиқчилар аллақачон далани тарк этишган, атрофда на бирор арава, на бир йўловчи машина кўринади... Пардахол рутубатли осмонга қараб, ёғингарчиликдан кейин пахта майдонларидаги бегона ўтлар яна авж олишини ўйлаб юраги сиқилди: “...Ёмғир ҳали-бери тўхтамаса, эртага тонг саҳардан далага келишнинг ҳожати йўқ. Иш яна чўзилади... Ахир бунақа бўлаверса, ўзига бириктирилган ерни қачон чопиқдан чиқаради-ю, қачон яганани тугатишади? Болалари ҳам эрталаб мактабга, тушдан кейин далага бўзчининг мокисидай қатнайвериб қийналиб кетишди... Начора, бошимизда шу кунлар ҳам бор экан-да...”

– Ие, раиснинг хотинига кетмон за-а-ап ярашибдими?!

– Эри топган-тутганини қаерга кўмиб кетганини айтмаган бўлса керак-да... Ёки атайлаб... шуйтиб... а?!

Пардахол хаёл билан бўлиб, ортида пайдо бўлган узун-қисқа икки шарпани сезмай ҳам қолибди. Ўзи тўғрисида атайлаб эшиттириб айтилаётган гаплардан эти музлаб, кўзлари тиниб кетди. Лекин орқасига ўгирилиб қарашга кучи етмади. Улар ўзларининг луқмаларидан ўзлари завқланиб, ҳиринглаб кулганича аёлнинг ёнгинасидан илгарилаб ўтиб кетишди. Пардахол бу икки ширакайф одамнинг вужудидан анқиётган қўланса ҳидга ҳам, уларнинг тутуруқсиз сўзларига ҳам эътибор бермасликка уриниб, қадамини тезлаштирди. Лекин оёқлари лой тупроққа зил-замбил ботиб қолаётгандек ўзига бўйсунмас, киприклари орасидан сизиб чиқаётган кўз ёшлари юзларини куйдирар, муштга айланган қўллари эса уларни бурдалаб ташлашга тайёр эди.

– Болаларимнинг дадаси бегуноҳ! – дея аламли пичирлади унинг лаблари. – Туну кун меҳнат қилиб, охир-оқибат туҳматга учради у! Агар бирор нарса орттирган бўлганида, олти болам билан бир сўм пулга зор бўлиб, қақшаб қолармидик?! “Пахта иши”миш... Уйинг куйгур Гдлян билан Иванов деганларининг шум хийласи бу!.. Манаман деган колхоз раисларини турли баҳоналар билан бирин-кетин қамоққа тиқишяпти. Уларнинг айби нима? Заҳар-заққум ютиб, миллион-миллион тонналаб пахта етиштириб бераётганими? Ахир, ўзбекнинг пахта экмаган фақат томи қолди-ку... Уларга шуям етмаяптими энди... Болаларим оч қолмасин, бошқалардан кам бўлмасин деб гектар олиб, чопиққа чиқсам нима бўпти? Раиснинг хотини ишласа, таҳқирлаш керакми!

Пардахол кўча муюлишида катта қизи Кларанинг олди-кетига қарамай югургилаб келаётганини кўриб, хаёли бўлинди. Кўз ёшларини кафтлари билан сидириб, жилмайишга уринди:

– Ҳа, қизим, шу ёмғирда шошиб қаёққа кетаяпсан?!

– Сиз келавермаганингизга хавотир олиб, далага кетаётувдим. Ивиб кетганингизни қаранг, ойижон... Уйда сизни бобом кутяптилар. Қандайдир муҳим гаплари борга ўхшайди. Дадамдан бирор хабар топиб келдилармикин-а?..

– Қанийди шундай бўлса, қизалоғим...

Пардахол дарвозадан кириши билан айвонда хаёлчан ўтирган тўқсон ёшли Исроил бобо келинини койишга тушди:

– Бунақа эмас-да, болам. Ўзингни бунчаям ўтга-чўққа урмасанг... Шу ҳавода ишлаб бўладими, ахир?..

– Далани ўт босган, ота... Тезроқ тугатмасак бўлмайди. Шунга...

– Диққат бўлаверма, қизим. Кун очилиб кетса, болаларинг ёрдам беришади, қайниларингга ҳам айтаман... Кўплашиб тугатасизлар чопиқни... Ҳа, айтганча... менга пенсия пулини олиб келишган экан. Шуни олиб қўй, қизим, бирор каму-кўстингга яраб қолар...

Пардахол нима деярини билмай, рўмолининг учини юзларига босди-ю, энди росманасига йиғлаб юборди.

– Қўй, болам, йиғлама, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади, – деди ота келинини юпатиб. – Туҳмат балосига учраган биргина Убайдулла эмас. Боя эшитиб қолдим, Оққўрғоннинг ўзидан юзга яқин раҳбарларни, пахтачиликка алоқадор мутахассисларни “пахта иши” бўйича сўроқ қилишаётганмиш. Меҳнатда тобланган ўнлаб асл раҳбарлар Убайдуллага ўхшаб қамоқда сақланаяпти... Лекин энанг иккаламиз болаларимизни ҳалол, виждонли ва мард инсонлар қилиб тарбиялаганмиз, қизим. Убайдуллажоннинг айбсиз эканлигига, бир куни албатта оқланиб, фарзандлари ёнига қайтишига ишонаман. Ўшангача оиланинг суянчиғи энди сенсан. Бардам бўл, болам...

– Хўп, отажон... Лекин баъзан бировларнинг тушуниб-тушунмай гапирадиган гаплари одамни эзиб қўяркан... Мен ҳаммасига чидайман, ота. Ахир ёнимда сиз борсиз, энам борлар...

– Баракалла! Мен ҳукумат раҳбарлари номига бир ариза тайёрлаб қўйдим. Эртага қайинаканг билан Тошкентга тушиб келаман. Рафиқ Нишоновнинг қабулига ёзилганман. Қани кўрайлик-чи, бирор наф бўлиб қолар...

Пардахол шу куни кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. Тонг ёришар паллада қўлига қоғоз-қалам олиб хат ёзишга тутинди:

“Ассалому алайкум, азизим... Соғ-саломат юрибсизми? Биздан кўнглингиз тўқ бўлсин. Болаларингиз сизни хурсанд бўлсин деб фақат “тўрт” ва “беш” баҳоларга ўқишяпти. Қизингиз Шоира сизга атаб шеърлар ёза бошлади. Унинг хатини ва шеърини ўтган куни почта орқали жўнатдик. Тез кунларда қўлингизга етиб борса керак... Отам, энам сизнинг айбсиз эканлигингизга қаттиқ ишонишади. Эсон-омон бағримизга қайтишингизни Аллоҳдан тилаб ўтиришибди. Ўзингизни эҳтиёт қилинг...

Яна тонг отди. Узилди тун
беланчаги,
Оқ нурга эшик очди ой – само
келинчаги.
Сиз – ҳаётим осмони, қалбимнинг
хуш чечаги –
Азизим, сизни соғиндим...”

Ҳурмат билан Пардахолингиз.”

ТУҲМАТ ИСКАНЖАСИ

1985 йил... “Пахта иши”, “Пилла иши”, “Ўзбеклар иши” номи билан “қама-қама”лар авж олган, меҳнаткаш ўзбек халқи бошига туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилган мусибатли кунларнинг бирида Оққўрғон туманидаги Навоий номли хўжалик раиси Убайдулла Исроиловни туман прокуратурасига чақиртиришди.

Убайдулла Исроилов ушбу ширкат хўжалигига салкам тўққиз йилдан бери раҳбарлик қилар, унинг тиришқоқлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли энг қолоқ хўжалик йилдан-йилга ривожланиб, пахтакорларнинг дастурхонига анча қут-барака кириб қолган эди. Шу йиллари раиснинг саъй-ҳаракатлари билан 75 гектар майдонда боғ ва узумзор, 45 гектар майдонда балиқчилик учун махсус кўллар ташкил этилди. Иссиқхона барпо этилиб, лимон, апельсин каби цитрус мевалар етиштирила бошланди. Қисқа вақт ичида хўжаликдаги барча хонадонларни тўлиқ газлаштиришга киришилди. Сув қувурлари ётқизилиб, маҳаллалар тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди. Шундай рентабелли хўжалик раҳбарининг прокуратурага чақирилиши...

Йўқ, бу англашилмовчилик эмас эди. Ўша куни Убайдулла Исроиловга нисбатан “пахта иши” бўйича жиноий иш очилиб, тергов ҳаракатлари бошланди. “Хўжаликни ҳалол бошқардим, аҳолини рози қилишга интилдим, мени қамашларига арзийдиган иш қилмаганман, сўраб-суриштириб қўйиб юборишса керак” деб ўйлаб юрган раис устидан терговчи юз бетдан ортиқ айблов материалларини тўплади. Сўроқ пайтидаги дўқ-пўписалар, қийноқлар туфайли бир қатор пахтачилик бригадалари бошлиқлари Исроиловни қўшиб ёзишда, ҳақ тўлашда қалбаки далолатномалардан фойдаланганликда айбдор қилиб терговчи айтиб туриб ёздирган бошдан оёқ туҳматдан иборат кўрсатмаларга қўл қўйиб бердилар. 1986 йилнинг 7 февраль куни терговчи тўплаган “ҳужжат”лар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида Исроилов Оққўрғон тумани ички ишлар бўлими томонидан қамоққа олинди.

– Ўшанда тергов материаллари билан танишиб чиққан туман прокурори М.Муҳамедов қамоққа олишга розилик бермаган эди, – дея хотирлайди Убайдулла ака. – Лекин терговчи бошқа туман прокурори орқали санкция олишга эришди.

Ҳа, шу билан айни камолот палласидаги 45 ёшли фидойи раҳбарнинг умр дафтарида қора саҳифалар очилди... Узоқ давом этган суд жараёнлари нафақат Убайдулла Исроиловнинг, балки ўнлаб, юзлаб фидойи инсонларнинг пешонасига “жиноятчи” деган ноҳақ тамғани босди. Биргина Оққўрғон туманининг ўзидан “пахта иши” билан 44 киши қамоққа олиниб, 105 киши суд жараёнларига жалб этилди, уларнинг 16 нафарига узоқ муддатли қамоқ жазолари тайинланди. Ҳибсга олинганлар оғир қийноқлар остида тергов қилинар, қилмаган айбларига иқрор қилдириш учун шафқатсиз азоблаш усуллари ўйлаб топиларди. Оқибатда туман бош пиллахонаси директори Абдуқаюм Кузанбоев, Олимкент пахта тозалаш заводи қошидаги пахта қабул қилиш пункти тарозибони Қаҳрамон Соатов, Пискент тумани партия комитети биринчи котиби бўлиб ишлаган Учқун Яҳёев, “Коммунизм” хўжалиги раиси Насрулло Мадаминов ноҳақлик ва тергов қийноқларини кўтара олмай, оламдан кўз юмдилар.


Қамоқхоналардаги ҳаёт бундан-да оғирроқ эди. “Пахта иши” билан келтирилганларни одам боласи чидаши қийин бўлган хўрланишлар кутиб турарди бу ерда. Эргашхўжа Ўзбекхўжаев, Тирков Каримов, Босим Худойбердиев, Ҳабибулло Эгамбердиевлар қамоқхона ҳаётидан кейин кўп яшамадилар. Абдумажид Ҳолиқов ва Рустам Болтабоевлар бир умрга ногирон бўлиб қолишди...

Қамоқда ушлаб турилганининг еттинчи ойида – 1986 йилнинг 7 август куни Тошкент шаҳар суди Убайдулла Исроиловга нисбатан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. У ўзига нисбатан қўйилган айбловларга иқрор эмас эди. Ҳукмдан норози бўлиб, Олий Суднинг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясига кассацион шикоят ёзди. Бу уриниш ҳам, яқинларининг ҳукумат раҳбарларига қилган мурожаатлари ҳам, Москвадаги юқори идораларга адолат истаб борган акаси Ҳикматилла Исроиловнинг сарсон-саргардонликлари ҳам самара бермади. Бригада бошлиқларининг кўрсатмалари сохта ва улар бўҳтондан иборат эканлигини бандма-банд таҳлил қилиб ёзилган салкам ўн варақли шикоят хатига бор-йўғи тўрт сўздан иборат жавоб келди:

“Ҳукм ўз кучида қолдирилди!”

ТОНГ ОТМАГАН КЕЧАЛАР...

“Товоқсой” – Убайдулла аканинг юрагида ўла-ўлгунча оғриб турадиган яра жой... У қамоқхонадаги нотаниш тартиб-қоидаларга, зах ва совуқ камералардаги рутубатли ҳаёт тарзига кўникиб улгурмасидан Коммунистик районининг (ҳозирги Юқори Чирчиқ тумани) биринчи котиби, дўсти Уммат Мирзақуловнинг “пахта иши” билан қамалганини эшитди. Эшитди-ю, бўғзидаги бор аламлари йиғилиб, ич-ичидан бир фарёд отилди: “Минг лаънат! Агар шундай моҳир раҳбарни, билимдон ва ташкилотчи мутахассисни, кечаю-кундуз одамлар дарди билан яшайдиган фидойи инсонни ҳам қамашган бўлса, бундай қутурган тузумга минг лаънат! Аслида “Оқ олтин”-ни олтин қўллар яратади” деб амалда бажариш мушкул бўлган олти миллион тонналик режа билан ким “сийлаган” эди бу халқни? Ўзбекнинг ҳовлисигача пахта эктириб, чигитининг қора пўчоғини ҳам қолдирмай юртига ташиб кетганлар кимлар эди? Мажбуриятни бажариш учун “қўшиб ёзиш” балосини расм қилганлар ҳам нафси ҳаккалак отган “катта”ларнинг ўзлари эмасмиди? Оддий деҳқонда нима гуноҳ? Туну-кун пахта даласида бир коса ёвғонга кўниб, ҳосил етиштирган пахтакорда нима айб? Гўдагини шийпондаги



тол бешикда қолдириб, кун тиғида кетмон чопган эмизикли аёлларнинг ёзиғи нима эди? Шуларнинг бири икки бўлсин, меҳнатининг роҳатини кўрсин деб эзгу ишларга бош бўлаётган Умматжондек етакчиларни қамаш кимга керак ўзи? Ноинсофлар!!!”

Убайдулла ака руҳан эзилиб, ўзини қўярга жой тополмай юрган ана шу кунларда унга қадрдонларидан бир йўла иккита мактуб келди. У ташналик билан конвертларни очди. Бири акаси Ҳикматилладан, иккинчиси ўғли Улуғбекдан эди.

“Азиз жигарим, соғ-саломатмисан? Сендан бугун хат олдим-у, дарров жавоб ёзаяпман, – дебди акаси. – Нодира билан Маликани фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган синфларга бериш тўғрисида қайғурибсан. Бу масалани эртагаёқ ҳал қиламан. Қизларни Ломоносов номидаги янги мактабга жойлаштирамиз. Бундан кўнглинг тўқ бўлсин! Жигарим, сендан сабр-тоқатни, бардошни илтимос қиламан. Ҳар нарсага сиқилаверма. Беҳуда жанжал, талашиб-тортишишлар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди! Ўзингни эҳтиёт қил! Ҳурмат билан Ҳикматилла аканг”.

Ё тавба! Акаси унинг ҳозирги ҳолатини худди кўриб тургандай-а?! “Хўп, ака...” деди у синиқ жилмайиб, сўнг Улуғбекнинг хатини ўқишга тутинди.

“Дадажон, яхши юрибсизми? Биздан хавотир олманг. Ойижоним, опаларим, энам-отам – ҳаммамиз яхшимиз. Ҳозир томорқамиздаги картошка пишган. Иккита қўйимизни укам Отабек иккаламиз яхшилаб боқаяпмиз. Хайр, тезроқ уйимизга қайтишингизни кутамиз, дада”.

Эндигина 5-синфда ўқиётган ўғлининг рўзғорни ўйлайдиган йигит бўлиб қолганини ҳис қилган Убайдулла ака “Худога шукр!” деб қўйди. Унинг кўнгли ёришиб, бошининг ичида тинимсиз ғувиллаётган шовқинлар бироз чекингандек эди. Мактубнинг сўнггидаги “Салом билан ўғлингиз Улуғбек” деган сатрларни кўзларига суртиб, меҳр билан ўпди... Шу куниёқ вақт топиб, Улуғбекка навбатдаги жавоб хатини ёзди:

“Улуғбек, сенинг ҳаракатчан, сокин, ақл-идрокли бўлиб ўсаётганингни кўриб, хурсанд бўлдим. Дадангнинг вақтинча бўлса ҳам уйда йўқлигини билдирмаслигингга ишонч ҳосил қилдим. Сен мактабда, уйда, кўчада уканг ва опаларинг олдида ҳамма фанлардан ва ҳамма хизматлардан фақат “4” ва “5” баҳолар олишинг шарт! Бу сенинг йигитлик ўлчовинг бўлади. Энди келгуси хатга жавоб учун савол: биринчиси, “Иши кўпнинг вақти кўп” деган нақл бор. Шунинг маъносини изоҳлаб бер. Иккинчиси, нима учун сенинг исминг Улуғбек? Бу номга муносиб бўлишни ўйлашнинг вақти етди. Жавобларингни кутаман”.

У хатни конвертга жойлаштириб бўлгач, болаларининг бўй-бастини тасаввурида кўриш, улар билан хаёлан суҳбатлашиш учун кўзларини оҳиста юмди. Назарида қизлари Клара, Шоира, Нодира, Малика, ўғиллари Улуғбек ва Отабек “Дадажон, сизни соғиндик” дея бир-бирларига гал бермай, худди учрашувга келган кезларидагидек, унинг бўйнига осилишяпти... Пардахол эса жилмайганича бир чекада кутиб турибди... Бу манзара унга таниш ва қадрдон... Бироқ ҳозир улар нима қилишаётган экан-а? Қиш яқинлашиб қолди. Ўтин-кўмир, картошка-пиёз дегандай... Пардахол ҳам, болалар ҳам уйдаги кам-кўстни менга ҳеч билдиришмайди. Ишқилиб, қишдан эсон-омон ўтиб олишсин-да...

(Давоми 4-саҳифада)



ОҚАЁТГАН ДАРЁ...

[Очерк]

* * *

...1987 йилнинг қиши анча эрта келди. Куз охирлаб-охирламай далаларга қиров тушди. Тўсатдан бошланган изғиринли совуқ ўт-ўланларни, ҳали йиғиштириб улгурилмаган кечки ҳосилни бир кечада қорайтириб кетди. Пардахол ҳали қиш учун кўмир ғамлаб улгурмаган эди. Болаларнинг усти ҳам юпун. Нима қилсин, амал-тақал қилиб топгани рўзғордан ортмаяпти... У бундай пайтларда бор дардини ичига ютар, ҳол-аҳвол сўраганларга “Шукр, камчилигимиз йўқ” деб қўя қоларди.

Бир куни кечки пайт дарвоза тақиллаб, қўшнилари Мусбоқ ака билан Олой ака аёлларини ёнларига олиб, икки челак-икки челакдан кўмир кўтариб кириб келишди.

– Бир йўқлаб ўтайлик, десак шу қора кўмирдан бошқа нарса қўлимизга илинмади, – дея болаларни кулдиришди.

Аслида улар ҳаво кечалари совуқ ва зах бўлаётган бўлса-да, жўжабирдай жон бўлган Пардахолнинг мўрисидан тутун чиқмаётганини аллақачон пайқашган эди.

– Яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмаймиз, – деди Пардахол миннатдорлик билан. – Худойим сизлардек инсонларга қўни-қўшни қилганининг ўзи биз учун бахт.

– Э, қўшни, аслида Убайдулла аканинг маҳалла аҳлига қилган яхшиликлари олдида бу нима деган гап? – деди Мусбоқ ака. – Кўчаларимиз обод, сувимиз бор, йўлларимиз текис... Кўпчилик шу хўжаликка кўчиб келиб уй-жой қилсам, деб орзу қилиб юрибди-ю...

– Раиснинг ўзига яраша салобатиям бор эди-да, – гапга қўшилди Жаннат опа. – Ғўлабирдай йигитларнинг бекор юришини ёмон кўрар эди. Анави нариги маҳалладаги Зокирмиди, Шокирмиди, ҳай исми ёдимда йўқ, ўша ўнинчини битирганидан кейин арооққа берилиб, ота-онасини қийнаб юрган вақтида Убайдулла ака билиб қолиб, қулоғидан бураб, военкоматга олиб бориб, армияга жўнатворганини ўзим кўрганман. Биб-бинойидай йигит бўлиб қайтиб келди. Ҳозир колхозда машина ҳайдаётганмиш. Шу болани куёв қиламан деганлар энди сон мингта...

Пардахолнинг имоси билан қизларнинг бири айвонга кўрпача тўшади, бири дастурхон ёзиб, чой қўйди. Бир пиёла иссиқ чой устидаги суҳбат айни авжига чиққан паллада қия очиқ турган дарвоза олдига “Ҳой, ким бор?..” дегандек бир-икки қисқа сигнал чалиб, таниш “УАЗ” машинаси келиб тўхтади. Ҳалигина дарс тайёрлаш учун уйга кириб кетган Отабек ҳовлига отилиб чиқди:

– Файзулла амаким келдилар, ура-а-а!..

Убайдулла аканинг шогирди Файзулла Мўминов бу хонадонга имкон топиб келиб турар, оила бирор нарсадан қийналиб қолган кезлари ёрдамини аямасди. У қаршисига пешвоз чиққан Отабек билан худди бир-бирини соғинган қадрдонлардек қучоқ очиб кўришди. Сўнг болакайнинг сочларини бармоқлари орасида тўзғитиб, ҳазиллашди.

– Ота, шу кичкина қўлларинг катта ишларниям қила оладими?

– Ҳм-м...

– Бўлмаса, акангни чақир. Дарвозанинг олдига икки боғ беда пичанини тушириб қўйдим. Ичкарига олиб киринглар. Анави қўзичоқларингизга берасизлар.

– Қўзичоқ эмас, қўй...

– Қўй бўлса, нега киччина?

– Киччина эмас... Қўй ўзи шунақа бўлади!

Суҳбатни кузатиб турган қўшни меҳмонлар ҳам кулиб юборишди.

Файзулла бугун болаларни икки боғ пичан билан хурсанд қилиш учун эмас, балки жиддий масала билан келган эди. Шунинг учун меҳмонлар билан сўрашиб бўлгач, шошиб турганини айтиб, дарвоза томон йўналди. Кузатиб чиққан Пардахолга мақсадини тушунтирди:

– Сизга қийинлигини биламан, келинойи, – деди у. – Анчадан бери болалардан бирини ўзига лойиқ бирор ишга жойлаштиришни ўйлаб юрган эдим. Шу масала ҳал бўлди... Клара билан Шоирани уруғчилик лабораториясига фаррош қилиб ишга қўямиз. Опа-сингил биргалашиб, дарсдан кейин бориб-келаверишади. Душанба куни раҳбарга учрашасизлар...

– Клара 10-синфни битиради, Шоира 8-синфга ўтди... Мустақил ишлашга ҳали ёшлик қилишмасмикин?.. Яна гектар олсам, аҳволимиз яхшиланиб қолар...

Отабекка қарашиш учун дарвоза олдига чиққан Шоира бу суҳбатни беихтиёр эшитиб, Файзулла аканинг ёнига югуриб келди.

– Йўқ, ойимга айтинг, бизнинг ишлашимизга рухсат берсинлар... Опам иккаламиз сиз айтган идорага борамиз. Фақат нима иш қилишимизни кўрсатиб қўйишса, бўлди...

– Меҳнатнинг айби йўқ, – деди у қизнинг дадиллигидан хурсанд бўлиб. – Дадангиз қайтгунича онангизга кўмакчи бўлинг. Сизларга бажарган ишларингиз учун маош тўлашади. Лекин ишлаяпмиз деб, ўқишни бўшаштириб юбормаслигингиз керак. Хўпми?

– Хўп!..

Файзулла Мўминов кетгач, Пардахол Шоиранинг елкаларидан қучиб, “Раҳмат, қизим!” деди ва болаларининг болалиги жуда эрта тугаб қолаётганидан юраги алланечук бўлиб, меҳмонлар ўтирган айвон томон юрди...

ТИНЧЛИКНИНГ РАНГИ

Бойчечакнинг очилиши – кўкламнинг бошланиши, дейдилар. Тўғри, лекин қишлоқ жойларда табиатнинг уйғонишини биринчи бўлиб болалар сезишади. Ҳеч эътибор берганмисиз, кўклам яқинлашиши билан, болаларни боғлаб қўйсангиз ҳам уйда ўтиришмайди. Айниқса, кечки пайт... Бирор кенгроқ майдончани танлаб олишиб, ҳар куни шу ерда йиғилишади. Бир қарасанг ким ўзарга варрак учиришган, бир қарасанг иккита тошдан “дарвоза” ясаб футбол ўйнашган, яна бир қарасанг “оқ теракми, кўк терак” мусобақаси... Худди қор бағрини ёриб чиққан бойчечаклар каби қишдан зериккан болакайлар шўх-шодон “қий-чув”лари билан бутун қишлоқни бошига кўтаришади...

Шаҳарга тушиб иши битмай қайтган Исроил бобо, ўғли “Чарчадингиз, ота, уйга бориб дам олинг”, десаям қулоқ солмай Убайдулласининг кўчаси бошида машинадан тушиб қолди.

– Сен боравер, Ҳикмат, – деди у. – Мен укангнинг болаларини бир кўриб кетай. Озгина пиёда юрмоқчиман. Баҳонада оёғимнинг чигили ёзилади. Онангга кечроқ боришимни айт, хавотир олмасин...

– Сизни ўзим келиб олиб кетаман. Келгунимча кетиб қолманг, хўпми?

– Майли...

Бобо бироз ичкарилагач, муюлишдаги омонатгина ўриндиққа нафас ростлаш учун ўтирди. Сал нарида ўн-ўн беш чоғли болакай тарвақайлаган катта тут остида давра олиб, қандайдир ўйинни ўйнашмоқда... Қизиқиб кузатди.

Ўйинбоши бола савол айтар, уни қуршаб олган болакайлар эса ўйин шартига кўра худди тез айтиш каби чаққонлик билан жавоб қайтаришарди. Саволга нотўғри жавоб берган иштирокчи ютқазган ҳисобланиб, ўйиндан чиқариб юбориларкан...

– Осмоннинг ранги? – сўради ўйинбоши.

– Мовий... – чуғурлашди болалар.

– Сомоннинг ранги?

– Сариқ...

– Сувнинг ранги?

– Шаффоф...

– Олманинг ранги?

– Қизил...

Иштирокчиларнинг ичида кимдир «кўк» деб юборди. Шунда ўйинбоши: «Адҳам, сен нотўғри жавоб бердинг, ўйиндан чиқасан», – деди.

– Нега экан? Олма пишмасдан олдин кўк бўлади ку?!

– Мен пишган олма ҳақида сўраган эдим.

– Унда сен «Пишган олманинг ранги?» деб айтишинг керак эди. Бундан ташқари ҳамма олмалар ҳам қизил бўлмайди! Мен хато айтмадим. Чиқмайман ўйиндан!

– Майли, кейинги гал чалкаштирсанг, ўзингдан хафа бўл! Саволни давом эттираман. Нафас олмасдан тез жавоб беринглар.

– Қора ипнинг ранги?

– Қора!

– Тинчликнинг ранги?

– Яшил! – деди беихтиёр жингалик сочли бир қизалоқ. Қараса, бошқалар жим турибди. Кейин ҳамма бараварига кулиб юборди.

– Тинчлик – бу сўз-ку, жинни! Унинг қанақа ранги бўлиши мумкин? – билағон болалардан бири уни мазах қилиб қотиб қотиб куларди.

Қизча йиғламоқдан бери бўлиб ютқазганлар ёнига бориб ўтирди. Шунда боядан бери ўйинни берилиб томоша қилаётган Исроил бобо ўрнидан туриб кетди:

– Ҳой, шошма, – деди савол тўқиётган болага.

– Бу қарорингиз адолатдан эмас, чиройим!

Болалар ялт этиб оппоқ соқолли бобога қарашди.

– Ўйинларинг қизиқ экан. Хотирани чархлайди. Ақлни пешлайди. Лекин ёшим 91 га кириб, тинчликнинг ранги тўғрисида ўйлаб кўрмаган эканман. Бу рангни мен бугун топдим! У яшил! Сизлар ўйиндан чиқариб юборган қизим топиб берди уни! Энди саволни сизларга мен берай:

– Қурғоқчилик кўп бўладиган сувсиз ерларда экин битадими? Унақа жойларнинг ранги қандай бўлади?

– Сариқ, – деди оҳиста болалар.

– Уруш бўлиб, осмондан бомбалар ёғилиб турган жойларда-чи?

– Ҳамма нарса ёниб, қорайиб кетса керак, телевизорда кўрганман, – деди кимдир.

– Ана шундай нотинч жойда яшайдиган одамларнинг ранги-чи?

Болалар бу саволга жавоб излаб бир муддат тўхтаб қолишди.

– Билмайсизлар! – деди бобо. – Чунки у кунларни сизлар кўрмагансизлар! Илоҳим кўрманг! Лекин мен кўрганман! Бундай жойларда одамларнинг юзлари заҳил, чеҳралари очилмайдиган, кўзлари чақнамайдиган бўлади, болаларим! Уруш ва офат бор жойда ҳамма ранг бўлиши мумкин. Куйинди тимсолида қора ранг, бегуноҳ оққан қонлар тимсолида қизил ранг, қуриган ўт ўлан ва дарахтлар мисолида сариқ ранг... Табиатдаги яшил ранг эса фақат тинчлик бор жойда бўлади! Худога минг қатла шукр, биз шундай юртда яшаяпмиз. Буни топган қизалоғимни ўйинга қайтар, болам. У ютди!

Исроил бобо ўйинни янгидан бошлаётган болаларни дуо қилганча, яна йўлга ҳозирланди. Шу кўчадаги ўн-ўн беш хонадон нарида жойлашган ўғлининг уйига етгунича «тинчликнинг ранги» масаласи хаёлидан кетмади...

Ўчоқ бошида куймаланаётган Пардахол дарвоза олдида томоқ қириб овоз берган бобони кўриб, хусанд бўлиб кетди.

– Ассалому алайкум, ота. Уйга болаларни юборган эдим: “Шаҳарга кетишибди”, деб келишди, – деди у илдам юрганча қайнотасининг қаршисига пешвоз чиқиб. – Яхши бориб келдингизми?

– Ҳа, аканг билан бориб келдик. Лекин хатимизга ҳали тайинли жавоб йўқ... Ўзинг нега излатгандинг, қизим? Тинчликми, ишқилиб?

– Отам билан энамни меҳмонга чақирайлик, соғиндик, деб қизларингиз қўйишмади. Маош олишган экан. Оғзингизга ёқадиган бирор тансиқ таом қилайлик девдим, – деди Пардахол отани мева-чева билан тузатилган дастурхон ёзиғлиқ хонага бошларкан.

– Бизни ўйлама, деб неча айтдим, болам. Мана шу олти болани яхши парвариш қилсанг, бизга шу кифоя.

– Ота, телевизорда Ислом Каримов деган одам Ўзбекистон Компартиясининг Бош котиби этиб сайланганини айтишди, – деди Пардахол. – Зора, шу инсоннинг қадамлари қутлуғ келиб, адолатсизликлар барҳам топса...

– Ҳа, ҳозир ҳамма жойда фақат шу гап. Дарвоқе, Убайдулладан бирор янги хат-хабар борми?

– Менга ёзган жавоб хатларида енгилроқ ишга ўтказишганини айтибдилар. Оилавий учрашувга рухсат беришибди. Наврўз байрами куни борадиган бўлиб турибмиз...

– Аллоҳга шукр! Етказганига шукр!..

...Шу куни Исроил бобо ўғлини олиб кетишган кундан буён биринчи марта ярим коса овқатни иштаҳа билан еди. Убайдулласининг ишидаги ўзгаришларни, ҳукуматнинг янги раҳбари тўғрисидаги илиқ гапларни эшитиб, юрагини тоғдек босиб ётган музликлар кўча бошлагандек ўзини енгил ҳис қилди... Сўнг бироз мизғиб олиш учун неваралари қўйиб берган юмшоқ парёстиқларга ёнбошлади...

ОМОНМИСАН, ОЗОДЛИК!

Ўргатдилар, аввал баҳор,
сўнг қиш келар деб,
Айни гуллаш фасли эди,
нечун ёғди қор?
Алдасалар ишондингми ай-й,
бола кўнглим,
Қишдан кейин келади-ку
аслида баҳор!..

Яхши сўзнинг қаноти бўлади, деганлари рост экан. “Пахта иши” тугатилармиш, деган гап-сўзлар оққўрғонликларнинг ҳам қаддини кўтарди. Ўша кунлари республика газеталарида эълон қилинган “Вақти-соати етди”, “Қонунийлик – инсонийлик демакдир”, “Ҳукм”, “Қоралов ва оқлов” каби ноҳақ қамалганларнинг тақдири билан боғлиқ ўнлаб мақолалар қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Одамлар “Инсон – пахта учун эмас, пахта – инсон учун” деган ғоя ёқимли шабададек юрт оралаб қолганини кундан-кунга ҳис қилишар, Иванов ва Гдлянлар бошлаган машъум “пахта иши” ҳадемай барҳам топишига, ўзбек халқининг ҳақ-ҳуқуқи ва қадриятлари тикланишига чин дилдан ишонишарди...

Орадан кўп вақт ўтмай, Амнистия эълон қилиниб, “пахта иши” билан қамалган юзлаб юртдошларимиз озодликка чиқарилдилар. Қамоқхоналарда ноҳақ азоб чекиб ётган инсонларнинг қисматидаги кулфат тугунлари бирин-кетин ечила бошланди...

1988 йилнинг 11 октябри... Учрашувга келган Соатилла акаси билан эндигина хайрлашган Убайдуллани қамоқхонанинг тегишли маъмури чақиртирди. Суҳбат қисқа бўлди:

– Маҳбус Исроилов! Афв этилганингиз билан табриклайман. Барча ҳужжатлар расмийлаштирилиб бўлинганидан кейин ҳудуддан чиқиб кетишингизга рухсат этилади.

Қамоққа олинган уч йилдан кўпроқ вақт давомида ўзининг беайб эканини исботлаш учун тинмай курашган, юқори идораларга адолат ва ҳақиқат истаб хатлар ёзган, қийноқ ва азобларга бўйин эгмаган Убайдулла Исроилов “афв этилдингиз” деган сўзни эшитган замон худди карахт одамдек оёқ-қўли бўшашиб, тили сўзга айланмай қолди.

У озодликка чиқадиган куним ҳаётимдаги энг қувончли кун бўлади, деб ўйлаб юрарди. Лекин у бошлиқнинг хонасидан чиқди-ю, худди бўшлиқда муаллақ сузиб юрган булутдек вазмин тортиб қолди. Бошқаларга ўхшаб на йиғлар, на қувонарди... Қамоқхонада ўтган кунларининг алами бўғзига чўғ бўлиб тиқилганди гўё...

“Акамнинг юраги сезган экан... Йўл узоқ, қайтақолинг, десам ҳам ёниб турган ишим йўқ, бироз ёнингда бўлай, деб кетгиси келмаганди. Бекорга шошилтирибман...”, дея ўзига ўзи пичирлади у.

Акасини қайтариб юборганига афсусланиб, йўл тараддудини кўраётган пайтида жияни Турғунбой машинасида келиб қолди. Кетшга руҳсат тегиши биланоқ ўзига яқин бўлиб қолган бародарлари билан хайрлашиб чиқди-ю, Турғунбойни шитобга олди:

– Шошма, аввал “Охунбобоев”га юр. Ота-онамни кўрайлик...

Исроил ота дабдурустдан эшикдан кириб келган ўғлини кўриб, аввал кўзларига ишонмади. Кейин кўришиш ўрнига нуқул “Онаси, ҳой онаси, қаердасан?” дея Зулфия аяни излай бошлади. Убайдулла ака ҳаяжондан нима қиларини билмай ҳовли ўртасида карахт турган отаси ёнига келиб, унинг анча нозик тортиб қолган елкаларидан қучди. Отанинг оппоқ соқолларига сизиб тушаётган кўз ёшларини рангпар бармоқлари билан силаб артди:

– Омонмисиз, дада... дадажоним!..

Шу топда чолининг йўқловига “Лаббай, дадаси!” дея хамир юқи қўллари билан ошхона тарафдан чиқиб келган Зулфия ая ўғлини кўрди-ю токсўри четидаги устунга беҳол суяниб қолди. Қўрқиб кетган ота-ўғил у томон отилишди:

– Ўзингни тут, онаси, Убайдулла келди... озод бўлиб келди, – дерди Исроил ота аянинг юзларига обдастадаги муздек сувдан сепаркан. – Ахир бу хурсандчилик кун-ку, онаси, қаддингни тут, йиғлама!!

Онаизор гавдасини кўтарди, аммо ўғлини маҳкам қучганча, айтиб-айтиб йиғлай бошлади.

– Пора-пора юрагимнинг малҳами келади-ю, йиғламайманми, дадаси?.. Йўлларига кўз тикиб кўр бўлаёзган кўзларимнинг нури келади-ю, йиғламайинми а? Аллоҳ берган неъматим–уйимнинг чироғи келади-ю, йиғламайманми?! Оҳ, болажоним-а!...

Зулфия аянинг дилни ўртовчи ноласи бутун ҳовлини ларзага келтирди. Бир зумда уй қўни-қўшниларга тўлди. Ота бўзлаб-бўзлаб йиғлаётган онага тасалли бериш учун унинг ёнига ошиққан қўшни аёлга “Тегма!” дегандек ишора берди: “Майли, йиғлаб олсин, ўғлини кутавериб адо бўлган юраги зора енгил тортса...”

Она йиғи тўла кўзларини рўмол учига артганча ўғлини базўр бағридан бўшатди: “Бор, Убайдуллажон, қўшнилар билан кўриш...”. Бироздан кейин ота дуога қўл очди:

“Кўрган-билганинг шу бўлсин, туҳмат балосини икки дунё кўрма энди, болам, фарзандларингга ўзинг бош бўл. Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!”

У отаҳовлида узоқ қолмади. Акасига ота-онасини олиб ортларидан боришларини тайинлаб, Турғунбой билан ўз уйига қараб йўл олди. Воажаб, дарвоза кенг очилган. Фарзандлари, ёр-биродарлари уни худди байрамдагидек кутиб туришарди. Убайдулла ака Турғунбойга қаради:

– Ҳеч кимга хабар бермагандик-ку?

– Қишлоқда гап ётармиди, ака...

Машинадан тушиши билан қизлари Клара, Шоира, Нодира, Малика, ўғиллари Улуғбек, Отабек уни қуршаб олишиб, бир-бирларига гал бермай бўйнига осилишар, “Сизни соғиндик, дадажон”, дея синиққан юзларини силашарди... Бир чеккада кўзлари жиққа ёш Пардахол жилмайиб, сўрашиш учун навбат кутиб турибди... Нақадар таниш манзара... Фақат энди бу тасаввур эмас, кўз ўнгида рўй бераётган ҳақиқий саодат лаҳзалари эди...

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада)

(Давоми бор)

ТАДБИРКОРЛИК – ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШДИР

Халқимизда «Инсоннинг қўли гул» деган пурҳикмат ибора бор. Бу сўзни одатда йўқ нарсадан керакли буюм яратадиган ҳунармандга, ташландиқ жойни обод масканга айлантирадиган бунёдкорга, ўз касбининг моҳир устасига нисбатан айтамиз.

▼ Дил изҳори

Бугун мен яшаб, меҳнат қилаётган “Қорасув” маҳалласига, унинг яқиндагина янги қиёфа касб этган сўлим масканларига қараб, ана шу ҳикматнинг ҳаётий тасдиғини кўраман. Айниқса, Қорасув дарёси бўйларидаги ўзгаришлар кишини қувонтиради. Кечаги ташландиқ ҳудудлар бугун одамлар ҳордиқ чиқарадиган, кўнгилга завқ бағишлайдиган обод гўшаларга айланди. Бу юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятларнинг натижасидир.

Менинг тадбиркорлик фаолиятим ҳам ана шу ўзгаришларнинг кичик бир мисоли. Фаолиятимни бошлаган 2016 йилда аҳоли зарур мебелларни асосан хориждан катта харажатлар эвазига олиб келарди. Тадбиркорликка, жумладан, мебелсозлик соҳасига яратилган имкониятлар натижасида бу йўналиш оддий хонадон ҳунармандчилигидан аста-секин ҳақиқий ишлаб чиқариш даражасига кўтарила бошлади. Дастлаб мебеллар айрим хонадонларда, мавжуд имкониятлар доирасида тайёрланарди. Кейинчалик ана шу хонадонлар негизида кичик цехлар, мўъжаз фабрикалар пайдо бўла бошлади. Бизнинг «Jannatmakon» дўконимиз ҳам шу жараёнда ўз мебель цехига эга бўлди. Бугун эса Қорасувда шундай кичик цех ва корхоналар сони юзга яқинлашди. Уларда қарийб минг нафар аҳоли меҳнат қилиб, доимий даромад манбаига эга бўлмоқда.

2020 йилда кимошди аукциони орқали 2 гектар бўш ер майдонини харид қилиб, замонавий мебель ишлаб чиқарадиган фабрика қуришга киришдик. Бу лойиҳа нафақат янги ишлаб чиқариш қувватини, балки юзлаб инсонлар учун янги имкониятларни ҳам яратди. Бугун корхонамизда 300 нафардан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Айниқса, ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. «Устоз-шогирд» анъанаси ва дуал таълим асосида ёшларга мебелсозлик сирларини ўргатиш йўлга қўйилган. Касб ўрганишга қизиққан кўплаб ёшларни хорижга ўқишга юбордик. Жумладан, Туркияда таълим олиб қайтган ёш мутахассислар бугун корхонамизда фаолият юритиб, замонавий технологиялар асосида маҳсулотлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Айни пайтда ошхона,



ётоқхона, болалар хонаси ва офислар учун мўлжалланган 50 дан зиёд турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Сифати жиҳатидан улар хорижий маҳсулотлардан асло қолишмайди.

Президентимиз: «Ёши улуғ инсонларнинг ҳаётий тажрибасига ёшларимизнинг ғайрат-шижоатини қўшсак, ажойиб натижаларга эришамиз», деган фикрни илгари сурганлар. Биз бу тамойилни ўз оилавий бизнесимизда ҳам муҳим мезон сифатида қабул қилганмиз. Фарзандларимиз мебель ишлаб чиқариш ва унинг савдоси билан шуғулланса, турмуш ўртоғим ва келинларимиз мебель дизайни ҳамда юмшоқ мебеллар савдосини юритишади. Муҳими, барча ишларни ўзаро маслаҳат ва ҳамжиҳатлик асосида ташкил этамиз.

Эндиликда ўғлим Даврон Отақуловнинг ҳам мебелчилик соҳасида муносиб натижаларга эришаётгани биз учун қувонарли. Айниқса, унинг тадбиркорлар куни муносабати билан «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирлангани, республикамизнинг илғор тадбиркорлари қаторида Президентимиз билан Хоразмда бўлиб ўтган учрашувда иштирок этганидан фахрландик. Бу – бир оиланинг эмас, балки тадбиркорликни касб ва ҳаёт тарзига айлантирган бутун бир авлоднинг ютуғидир.

Аслида тадбиркорликнинг чегараси йўқ. Президентимизнинг хорижий давлатларга амалий ташрифлари доирасида мамлакатлар ўртасида эришилаётган иқтисодий келишувлар биз тадбиркорлар учун ҳам янги имкониятлар эшигини очмоқда. Айни пайтда Беларусь Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси ҳузуридаги мебелчилик корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Қозоғистон ва Тожикистоннинг йирик шаҳарларида мебель маҳсулотларига ихтисослашган «Савдо уйлари» очиш арафасидамиз.

Давлатимиз раҳбарининг илғор тадбиркорлар билан учрашувлари, билдирилаётган ишонч ва эътибор, соҳа ривожи учун яратилаётган янги имкониятлар бизни янада катта мақсадлар сари ундамоқда. Биз ҳам, албатта, бу ишончни меҳнатимиз билан оқлашга ҳаракат қиламиз. Бу борада аниқ режаларимиз ҳам бор.

2027 йилда туманимизда мебелчилик тармоғини янада ривожлантириш, ҳудудни мебель ишлаб чиқариш марказларидан бирига айлантиришни мақсад қилганмиз. Энг катта режамиз – 600 иш ўрнига эга бўлган йирик мебель фабрикасини барпо этиш. Бу оддий рақам эмас. Бу – 600 нафар инсоннинг, 600 оиланинг ҳаётига дахлдор янги имкониятлар дегани. Бу – ёшларнинг касб эгаллаши, оилаларнинг даромади ошиши, маҳалланинг янада обод бўлиши дегани.

Бугун Қорасувдаги ўзгаришларга қараб, бир ҳақиқатга яна бир бор амин бўламан: тадбиркорлик – фақат даромад топиш воситаси эмас. У элга хизмат қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларга касб бериш, маҳаллага файз киритиш, юрт ободлигига ҳисса қўшишнинг самарали йўлидир.

Раҳмон ОТАҚУЛОВ,
«Jannatmakon Mebel» корхонаси таъсисчиси



ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ЮРТНИ СЕВИШГИНА ЭМАС...

Халқ осойишталиги, мамлакат тараққиёти ва фаровонлиги учун масъулиятни зиммага олишда намоён бўлади

Бугун мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳорати билан бир қаторда маънавий-ахлоқий қиёфасини юксалтириш, интеллектуал салоҳияти, онг ва тафаккурини бойитиш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, ички ишлар органлари ходими зиммасида қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, халқнинг тинчлиги ва осойишталигини асрашдек шарафли ва масъулиятли вазифа бор.

Ватанпарварлик инсоннинг маънавий қиёфасини белгилайдиган энг муҳим мезонлардан биридир. Ватанга муҳаббат, аввало, ўз халқи, унинг тарихи, тили, маданияти ва миллий қадриятларига ҳурматдан бошланади.

Буюк аждодларимиз ҳам ёш авлод тарбиясида ватанпарварлик, адолат, маърифат, инсонпарварлик, эзгулик ва масъулият каби фазилатларга алоҳида аҳамият берганлар. Улар жамият тараққиётини билимли, юксак ахлоқли, ўз тақдири ва Ватан келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган инсонлар билан боғлаганлар.

Абу Наср Форобий инсон бахт-саодатга интилиши, эзгу мақсадларни ўз ҳаётининг мазмунига айлантириши зарурлигини таъкидлаган. Инсон ўз мақсад ва интилишларини жамият ҳамда Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиргандагина ҳақиқий маънавий камолотга эриша олади.

Абдулла Авлоний инсон камолотида тарбиянинг ҳал қилувчи аҳамиятини таъкидлаб, ёш авлод қалбига яхши хулқ, поклик, илм ва маърифат сингдириш зарурлигини уқтирган. Бу ғоялар бугун ҳам, айниқса, юксак масъулият ва фидойиликни талаб этадиган касб эгаларини тарбиялашда муҳим маънавий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ички ишлар органлари ходими учун ватанпарварлик тушунчаси янада кенг ва теран маъно касб этади. Чунки унинг касбий фаолияти бевосита инсон ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият тинчлиги ҳамда давлат хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳақиқий ватанпарвар ходим, аввало:

– Конституция ва қонун талабларига сўзсиз амал қилади;

– халқ манфаатини хизматининг устувор мезони деб билади;

– ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлади;

– хизмат бурчига садоқат ва масъулият билан ёндашади;

– ҳалоллик, адолат ва покликни ҳаётий тамойилига айлантиради;

– мураккаб вазиятларда жасорат ва қатъият кўрсата олади;

– касбий билим ва малакасини мунтазам ошириб боради;

– ёт ва бузғунчи ғояларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга бўлади.

Демак, ички ишлар органи ходимининг ватанпарварлиги баландпарвоз сўзларда эмас, балки унинг ҳар кунги хизмат фаолияти, фуқаролар билан муомаласи, қабул қилаётган қарорлари ва амалий ишларида намоён бўлади.

Бугунги мураккаб ва тез ўзгараётган дунёда инсон онги ва тафаккурига таъсир кўрсатишга қаратилган турли ғоявий таҳдидлар мавжуд. Терроризм, экстремизм, жаҳолатпарастлик, гиёҳвандлик, одам савдоси каби иллатлар нафақат инсон тақдирига, балки жамият тинчлиги ва барқарорлигига ҳам жиддий хавф туғдиради.

Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий тайёргарлиги қанчалик муҳим бўлса, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

Маърифатли инсон эзгулик ва ёвузликни, адолат ва адолатсизликни, ҳақиқат ва ёлғонни фарқлай билади. Шу боис ички ишлар органлари ходимларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш, уларда мустақил фикрлаш, воқеа-ҳодисаларга танқидий ва холис ёндашиш, юксак масъулият туйғусини шакллантириш доимий эътиборда бўлиши лозим.

Амир Темурнинг давлат бошқаруви ва жамият тараққиётига оид қарашларида ҳам илм, адолат, тартиб-интизом ва инсон масъулиятига алоҳида аҳамият берилган. Бу фазилатлар бугунги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими учун ҳам муҳим касбий-маънавий мезон бўлиб хизмат қилади.

▼ Шахсий фикр

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, тизимни халқчил, адолатли ва профессионал тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги асосий мақсадлардан бири – ички ишлар органларини эл-юрт манфаатлари йўлида хизмат қиладиган, халқнинг дардини эшитадиган ва унинг ишончини оқлайдиган профессионал тизимга айлантиришдир. Шу нуқтаи назардан, «халқ манфаати – олий мақсад» деган тамойил ҳар бир ходимнинг кундалик хизмат фаолиятида ўз ифодасини топиши керак.

Халқ ишончи бир кунда шаклланмайди. У ходимнинг ҳар бир мурожаатга муносабати, адолатли қарори, хушмуомалалиги, масъулияти ва қонунга содиқлиги орқали юзага келади.

Бугунги ички ишлар ходими фақат жамоат тартибини таъминловчи мутахассис эмас. У халқ дардини эшитадиган, инсон қадрини улуғлайдиган, давлат ва фуқаро ўртасида ишончли кўприк бўла оладиган юксак маънавиятли ва профессионал кадр бўлиши зарур.

Ҳақиқий ватанпарвар қандай бўлади?

У Ватанни баландпарвоз сўзлар билан эмас, амалий ишлари билан севишини намоён этади. У ўз вазифасини сидқидилдан бажаради, қонунга ҳурмат билан қарайди, халқ дардини эшитади, юрт тинчлиги ва осойишталигини ўзининг шахсий масъулияти деб билади.

Ички ишлар органи ходими учун эса бу масъулият янада юксак. Чунки унинг касбий бурчи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини таъминлаш, фуқаролар хавфсизлигини асраш ва юрт тинчлигига муносиб ҳисса қўшиш билан боғлиқ.

Шу маънода, ҳақиқий ватанпарварликнинг мезони – хизматга садоқат, қонунга ҳурмат, халққа ҳалол хизмат, адолат, жасорат ва юксак маънавиятдир.

Бугун тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу улуғ вазифаларни амалга оширишда ички ишлар органлари ходимларининг профессионаллиги билан бир қаторда, уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ватанпарвар ходим – юрт тақдирига бефарқ бўлмаган, халқ манфаатини устувор қўядиган, қонунга содиқ, адолатли, билимли ва жасоратли инсон. У ўз касбини оддий хизмат вазифаси эмас, балки Ватан олдидаги шарафли бурч деб қабул қилади.

Зеро, Ватанга муҳаббат қалбдаги туйғу бўлса, халққа ҳалол хизмат унинг амалий ифодасидир. Ички ишлар органлари ходими учун эса бу икки тушунча касбий бурч, юксак масъулият ва фидойилик билан уйғунлашгандагина ҳақиқий мазмун касб этади.

Тинч ва осойишта юрт, қонун устуворлиги, халқ ишончи ва Ватан равнақи учун хизмат қилиш – ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи. Айниқса, ички ишлар органлари ходими учун бу бурч касб шарафи, инсон қадри ва эл-юрт олдидаги масъулият билан чамбарчас боғлиқ.

Мустақиллик йилларида шаклланган ва бугун янги мазмун билан бойиб бораётган ватанпарварлик туйғуси ана шундай фидойи, билимли, жасоратли ва халқчил кадрлар тимсолида янада юксак намоён бўлади.

Ўктам АЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси катта ўқитувчиси, майор

▼ Ta’lim

Yangiyo‘l tumani 1926-yil 29-sentyabrda tashkil etilgan bo‘lib, viloyatdagi eng keksa hududlardan biri hisoblanadi. Uning bog‘ini, bog‘bonini, yerini, suvini, mehnatkash aholisini bilmagan, eshitmagan odam yo‘q. Bog‘dorchilik, sabzavotchilik, chorvachilik va boshqa qishloq xo‘jalik sohalari yaxshi yo‘lga qo‘yilgan. Umumiy ta’lim, bolalar musiqa, sport maktablari, kasb-hunar maktablariyu kollejlari maqtasa arzirli.

Xullas, gapning indallosi, tumanda yangi o‘quv yili arafasida ilk xususiy maktab ishga tushirilayotganini eshitdim.



"Semurg`"ning ilk parvozi

Bu – aniq fanlarga ixtisoslashtirilgan dargoh – “Semurg‘” maktabidir.

Maktab nomi ham bejizga tanlanmagan. Semurg‘ – ezgulik, yuksalish va yuksaklik ramzi. Bu nomning o‘ziyoq dargohning maqsadini anglatib turgandek: bolalarni yaxshi o‘qitib, ularning qobiliyatini ro‘yobga chiqarish va katta orzular sari qanot berish.

Maktabga borganimizda, avvalo, tashqaridagi manzara e’tiborimizni tortdi. Yangi bino atrofida ochilish marosimiga qizg‘in tayyorgarlik. Ustalarning chaqqon harakatlari, har bir ishni pishiq, sifatli qilishga intilayotgani yangi maskanning o‘zgacha ruhda barpo etilayotganini ko‘rsatib turibdi.

Yangi bino, yangi joy, yangi muhit...

Yo‘lakdan kirishimiz bilan bizdagi birinchi taaassurot yanada kuchaydi. Devorlarda ulug‘ bobolarimizning ta’lim va ilm haqidagi hikmatli gaplari, Davlatimiz rahbarining ta’limga oid so‘zlari bejirim ranglar bilan e’tiborni tortadigan tarzda yozilgan.

Ko‘zingiz tushishi bilan huzurlanasiz.

Maktablarda ko‘raverib yod bo‘lib ketgan Alisher Navoiy bobomizning:

“Haq yo‘linda kim sanga bir
harf o‘qutmish ranj ila,
Aylamak bo‘lmas ado oning
haqqin yuz ganj ila”,

degan purhikmat so‘zlari darrov yodimizga keldi.

Shunday ekan, bola har kuni ko‘zi tushadigan muhit ham uni tarbiyalaydi. O‘ylashga, fikrlashga qiziqtiradi. Mustaqil qaror qabul qilishga o‘rgatadi.

Sinfxonalarga kirganimizda esa ikki karra quvondik. Zamonaviy, yorug‘ va shinam xonalar shunchaki dars o‘tish uchun emas, o‘quvchini fikrlashga, izlanishga, dunyoqarashini kengaytirishga undaydigan atmosferada jihozlangan ekan.

Interaktiv doskalar, zamonaviy o‘quv jihozlari, kondisionerlar, kuzatuv kameralari – bularning barchasi o‘quvchi uchun qulay va xavfsiz sharoit yaratishga xizmat qiladi. Bu yerda bola faqat tayyor ma’lumotni olibgina qolmay, savol berishga, izlanishga, mustaqil fikr yuritishga o‘rganishi ko‘zlangan.

Maktabda ta’lim o‘zbek va rus tillarida olib boriladi. Yuqori sinf o‘quvchilari uchun uchta asosiy yo‘nalish – aniq, gumanitar va tabiiy fanlar bo‘yicha ta’lim berish rejalashtirilgan.

Dars mashg‘ulotlari soat 8.00 dan 17.00 gacha davom etadi. Qolaversa, sport mashg‘ulotlari va qo‘shimcha to‘garaklar ham yo‘lga qo‘yilgan.

Qizlar uchun gimnastika mashg‘ulotlari rejalashtirilgan.

Bolalarning kun davomidagi ehtiyojlari ham e’tibordan chetda qolmagan. Uch mahal ovqat bilan ta’minlaydigan tajribali oshpazlar tanlangan. Bu yerga ilm istab kelgan bolalar ta’limdan boshqa hech nimaga chalg‘imasliklari lozim.

Savobli ishga bosh-qosh bo‘lib jonsarak yurgan maktab rahbari Ilyosbek Yusupov bilan tanishar ekanmiz, yana bir jihat e’tiborimizni tortdi. Yosh rahbarni salqin kabinetda, rasmiy kiyimda emas, ish kiyimida ustalar bilan yonma-yon, jonbozlik bilan ishlayotgan holda ko‘rdik.

Bu bizda samimiy taassurot qoldirdi. Uning rejalari ham katta ekan...

– Ayni paytda bolalarga xizmat qiladigan 38 o‘rinli avtobus sotib olish harakatidamiz. Bino yonidagi bo‘sh yerda bolalar uchun yotoqxona qurish rejamiz bor, – deydi Ilyosbek. – Bu yerga bilim izlab kelgan biror o‘quvchi hech nimaga muhtoj bo‘lmasligi, chalg‘imasligi kerak.

Ko‘rinib turibdiki, bugun ochilishga tayyorlanayotgan xususiy maktabning rejalari faqat ertangi kun bilan cheklanmaydi. Uning kelajagi ham oldindan ko‘zda tutilgan. Niyatlari o‘zlariga hamroh bo‘lsin!

Ilyosbekning ta’lim sohasiga kirib kelishi ham o‘ziga xos bo‘lgan. U avval jurnalistika yo‘nalishida mutaxassis sifatida bir muddat ishlagach, xorijda biznes yo‘nalishi bo‘yicha ta’limini davom ettirgan. Bugun esa orttirgan bilim va tajribasini ta’lim tizimiga tadbiq etishga bel bog‘lagan.

Biz borgan chog‘imizda 30 dan ortiq tajribali o‘qituvchilar bilan mehnat shartnomalari tuzilayotgan ekan. Ular bilan ham tanishib suhbatlashishga erishdik. Dilfuzaxon Sharipova Buxoroning Korako‘lidan ekan. Qorako‘l xususiy maktablarini bilamiz. Hozirda u yerda bilim olgan yoshlar butun respublikamizning nufuzli joylarida xizmat qilmoqda. Bu ham ustozga sharaf keltiradi. Faxr bilan so‘zlatadi.

– 32 yil Qorako‘l tumanidagi 18-umumiy o‘rta maktabda dars berdim, – deydi biz bilan suhbatda Dilfuza Sharipova. – Turmush o‘rtog‘im Isomiddin Bozorqulov Yangiyo‘l tumanidagi shu maktabda faoliyatimizni davom etdirish haqida taklif tushayotganini aytib qoldilar. Qo‘llab-quvvatladim. Biz har doim qayerda bo‘lmaylik o‘quvchilar bilan birgamiz. Ularning kelajagi uchun kuch-quvvatimizni ayamaymiz.

Tajribali pedagog bilan suhbatlashganimizda yangi maktabdagi sharoitlar ularga ma’qul kelganini, hatto yotoq-joylar bilan ta’minlanganlarini aytib, bu harakatlar hammasi yaxshi samara berishini ishonch bilan ta’kidladi.

Yana bir gap xususiy maktabda ta’lim olish narxi ham arzon. Bu ko‘plab oilalarga farzandlari kelajagi uchun yangi imkoniyatlar eshigini ochishi aniq. Faqat bexafsala bo‘lmasak bo‘ldi.

Yangi o‘quv yili boshlanishi arafasida so‘nggi tayyorgarliklar davom etmoqda. Ustalarning qo‘li qo‘liga tegmaydi. Ustozlar saralanyapti. Yangi sinfxonalar o‘quvchilarni kutayapti. Tez orada sukutga cho‘mgan sinfxonalarda bolalarning quvnoq ovozlari yangraydi.

“SEMURG‘” esa o‘z parvozini boshlaydi. Biz parvozlari yuksak bo‘lishini, eng muhimi bu parvoz yuzlab bolalarning orzulari, intilishlari va bilimga chanqoqliklari bilan qanotlanishiga tilakdoshmiz.

Inobat OYDIN,
O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a’zosi

Ўзбек халқи асрлар давомида яратган номоддий маданий мерос намуналари орасида дорбозлик санъати алоҳида ўрин тутади. Қарийб икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлган ушбу ноёб санъат тури нафақат халқ сайиллари ва тантаналарининг безаги, балки миллатнинг жасорати, иродаси ва ҳаётга бўлган муносабатини ифода этувчи маънавий бойлик ҳамдир. Айниқса, дорбозлик ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани унинг жаҳон маданиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлади.

▼ Нишондорларимиз

ДОРБОЗЛИК – ЖОНБОЗЛИК

Тарихий манбаларга назар ташласак, дорбозликнинг пайдо бўлиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Айрим ривоятларга кўра, қадим замонларда қалъаларни эгаллаш ёки ҳарбий юришларда арқон устида ҳаракатланиш усулларидан фойдаланилган. Кейинчалик ана шу маҳорат халқ томошасига айланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган санъат даражасига кўтарилган.

Ўтмишда тўйлар, сайиллар ва халқ байрамлари дорбозлар чиқишисиз ўтмаган. Бу томошаларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шунда эдики, дорбозлар ўз маҳоратини халқ учун намойиш қилган, томошабин эса кўнглидан чиқариб уларни рағбатлантирган. Бу ҳолат дорбоз билан халқ ўртасидаги самимий муносабатни янада мустаҳкамлаган.



Миллий дорбозлик анъаналарини бугунги кунгача асраб келаётганлар орасида янгийўллик Эргашжон Мўйдиновнинг номи алоҳида тилга олинади. Бу санъатга меҳр қўйган устоз қарийб ярим асрдан бери нафақат дор устидаги маҳорати, балки ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги хизматлари билан ҳам эл орасида ҳурмат қозонган.

– Дорга чиқиш учун инсон аввало ўзини, иродасини тарбиялаши керак, – дейди Эргашжон Мўйдинов. – Ҳар куни машқ қилиш, саҳардан югуриш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш оддий талаб эмас, балки дорбоз ҳаётининг ажралмас қисми. Баландлик кичкина хатони ҳам кечирмайди. Шунинг учун ҳам халқимиз бежизга «Дорбозлик – жонбозлик» демаган. Дор устидаги ҳаракатларга диққат билан қарасангиз, унда гимнастика, акробатика, шунингдек, куч ва чидам талаб қиладиган машқлар мужассам. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Дор инсондан эркинлик ва мувозанатни ҳам талаб қилади. Бундан ташқари дор – ҳалолликни яхши кўради. Биз қаерга бормайлик, аввал ота-оналаримиз дуосини олганмиз. Инсон дорга фақат маҳоратини кўрсатиш учун эмас, аввало ниятини пок қилиб чиқиши керак. Буни шогирдларимга ўргатишдан ҳеч эринмайман. Кўп йиллик тажрибамдан хулоса қилиб айта оламанки, дорбозлик ёшларни нафақат жисмонан бақувват қилади, балки уларда жасорат, эпчиллик, сабр-тоқат ва масъулиятни ҳис қилиш хислатларини ҳам шакллантиради. Шу жиҳатдан бу санъат миллий тарбиянинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир санъаткорнинг ҳаётида унинг тақдирини белгилаб берувчи илк қадам бўлади. Эргашжон Мўйдинов учун бу қадамни отаси қўйиб берди. Мўйдинжон ака Фарғона усулидаги белбоғли кураш билан шуғулланар, халқ сайиллари ва байрамларда фаол қатнашарди. У қаерга бормасин, ўғлини ҳам ўзи билан олиб юрарди. Шундай сайиллардан бирида Эргашжон андижонлик машҳур дор усталари Кимсанжон ва Усмонжонларнинг ҳайратомуз чиқишларини кўради. Баланд дордаги чаққонлик, жасорат ва маҳорат ёш боланинг қалбида ўзгача меҳр уйғотади. Бу қизиқишни пайқаган отаси ўғлини шу дор усталарига шогирдликка топширади.

Шогирдлик ҳам осон кечмади. Эргашжон аввало танасини чиниқтириш учун тош кўтариш машқларини бажарди. Бир неча йиллик меҳнат ва устозларининг дуоси билан 16 ёшида мустақил дорбоз сифатида эл олдига чиқа бошлади.

1976 йилда Эргашжон Мўйдинов Янгийўл туманига кўчиб келди ва ўз фаолиятини шу ерда давом эттирди. Йиллар ўтиб, у нафақат моҳир дорбоз, балки кўплаб шогирдлар тарбиялаган устоз сифатида танилди. Қирқ олти йил давомида у саксонга яқин ёшларга дор ости ва дор усти сирларини ўргатди. Уларнинг кўпчилиги турли маданий тадбирларда устозининг муносиб издошлари сифатида иштирок этиб келишмоқда. Бугунги кунда унинг 60 дан ортиқ шогирдлари, бешта дорбозлар жамоаси фаолият юритмоқда.



Эътиборлиси, бу санъат оилада ҳам авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Ўғли Акмалжон ҳам отаси изидан бориб, дорбозлик санъатини муносиб давом эттирмоқда. Энди эса набираларининг ҳам шу йўлга қадам қўяётгани Мўйдиновлар хонадонида дорбозлар сулоласи шаклланаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда Эргашжон ака раҳбарлик қилаётган Янгийўл туманидаги «Маржона» халқ дорбозлари жамоаси республика миқёсидаги Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва бошқа йирик маданий тадбирларда мунтазам қатнашиб, миллий санъатимизни муносиб намойиш этишмоқда. Жамоанинг ҳар бир чиқиши юксак бадиий савия, интизом ва хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда тайёрланади.

Эргашжон Мўйдиновнинг кўп йиллик меҳнати давлатимиз томонидан муносиб қадрланди. У «Маданият аълочиси», «Спорт фахрийси» каби эътирофларга сазовор бўлган. 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг «Маданият ва санъат фидокори» кўкрак нишони билан тақдирланди. Жорий йилнинг май ойида давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан “Шуҳрат” медали билан мукофотланди. Бу эътироф, аввало, миллий маданиятимизни асраш ва уни келажак авлодга етказиш йўлидаги фидокорона меҳнатининг муносиб баҳосидир. Зеро, Эргашжон Мўйдинов каби устозлар туфайли дорбозлик анъаналари бугун ҳам янги авлод қалбида яшаб, халқимиз маданияти ва қадриятларининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири
Меҳриддин ИБРАГИМОВ олган сурат

ВИЛОЯТ ЁШЛАРИ МАВСУМ ЧЕМПИОНИ!

▼ ДХХ кубоги

2026 йилги мавсум Тошкент вилояти ёшлари учун чинакам ғалабалар мавсумига айланди!



Йигитлар ва қизлар жамоалари ДХХ кубоги баҳсларида муносиб иштирок этиб, мусобақанинг уч йўналишидан иккитасида шиддатли ва муросасиз курашлар якунида республика чемпионлигини қўлга киритишди.

Бу ютуқ вилоятимиз ёшларининг салоҳияти, тинимсиз меҳнати, иродаси ва жамоавий бирдамлигининг ёрқин натижасидир.





▼ Рассом хандаси



Моҳият

* Бу дунёда ҳақиқатни гапиришдан қийинроқ нарса йўқ, хушомад қилишдан осонроқ нарса йўқ.

Достоевский

* Сиз биринчи қадамни қўйинг. Қандай йўллар очилишини кейин кўрасиз.

Стив Жобс

* Ҳар ким ҳам хато қилиши мумкин, фақат телба одамларгина хатосини тан олгиси келмайди.

Жюль Верн

* Ўзимиз ҳам бахтсиз бўлганда ўзгаларнинг бахтсизлигини кучлироқ ҳис этамиз; туйғу синмайди, андармон қилинади...

Фёдор Достоевский

ҒУРУРДАН БАЛАНД МЕҲР

▼ Чоршанба сабоқлари

Бугун шундай бўлди. Сўнгги русумдаги учта уловни эшигига қаторлаб қўйган, муҳташам ҳовлиларида даврон сураётган бир қадрдоним телефон қилиб қолди.

– Бир кўришайлик, – деди овозида одатдагидан фарқли бир оғирлик билан. – Фалончи ака анчадан бери хаста эмиш. Бир хабар олайлик... Фақат, иложи бўлса, сизни машинангизда борайлик.

Телефонни ўчирдиму, ичимда бир нарса узилгандай бўлди. «Ижирғаниш» деймизми, «ғашлик» деймизми – кўксимни чимчилаб ўтди. «Тавба, учта "иномарканг" бор-ку! Кунинг менинг унча-мунча ишга ярамай қолган эски «Кобальт»имга қолдими?» деб хаёлимдан ўтказдим. Хасисликка йўйдим, кўнглим ғашланди. Эътироз билдирмадим-у, лекин ичимдаги ўша совуқ ўй билан йўлга чиқдим.

У билан бозорга кираверишда учрашдик. Катта бозорлик қилдик. Аммо мени бир сўм ишлатишга қўймади, ҳамма харажатни ўзи кўтарди. Лекин менинг хаёлимда ҳали ҳам ўша – машина масаласи соя солиб турган эди.

Хаста танишимизнинг дарвозаси олдига келиб тўхтадик. Ичкарига кириб, уни кўрдим-у, юрагим орқага тортиб кетди. Қачонлардир тоғни урса талқон қиладиган, моддий томондан ҳам, жисмоний томондан ҳам бақувват бўлган одамнинг ўрнида бир сиқим суяк ўтирарди. Чўкибти, жуда озиб кетибди. Кўзларида мажолсиз бир ҳасрат. Суҳбат асносида билдикки, бошига тушган бу хасталик камдай, бизнеслари синиб, ҳатто уйини сотувга қўйишга мажбур бўлибди.

Дўстим унинг ёнига ўтирди. Елкасидан қучди, сўзларида шунчалар самимият ва илиқлик бор эдики, хаста одамнинг кўзларида йиллар давомида сўнган умид учқунлари қайта ёнгандай бўлди.

– Уйни сотманг, – деди у босиқлик билан. – Фарзандларингиз бўй етиб қолди, уларнинг кўнгли ўксимасин. Муаммолар ўтиб кетади, ҳаммаси жойига тушади.


Чиқиб кетаётганимизда, у беморнинг кафтига оҳиста бир даста пул тутқазди. Шундай қилдики, гўё ёрдам бераётгандай эмас, балки қарзини қайтараётгандай тавозе билан.

Ташқарига чиқдик. Кўчага етганимизда дўстим тўхтаб, қўлимдан калитни олди. Бизни кузатиб чиққан бемор бой дўстининг оддий машина рулига ўтирганини кўриб, ғалати қараб қўйди. Икки километрлар юргач, дўстим калитни узатди:

– Энди ўзингиз ҳайданг.

Яна ҳайрон қолдим. Миямда мингта савол чарх урарди. Узоқроқ кетгач, у чуқур хўрсинди-да, менинг аҳволимни сезгандай изоҳ берди:

– Бемор одамнинг кўнгли жуда нозик бўлади, – деди у паст овозда. – Ҳозир у жисмонан қийналяпти, устига-устак иши юришмай, моддий аҳволи ҳам хароб бўлиб турибди.



Агар биз унинг эшиги олдига ҳашаматли уловда борганимизда, кўнгли янада ўксир эди. "Булар маза қилиб юрибди, мен эса..." деб ич-этини ерди. Шунинг учун унга «ҳаммаси жойида» эканини кўз-кўз қилгим келмади. Оддийроқ борайлик деганим шундан...

У гапирар экан, мен машина рулини чангаллаб, пешонамдан чиқаётган совуқ терни сезмай қолибман. Томчи-томчи тер эмас, ичимдаги торлик ва инжиқона хаёлларимнинг уяти эди бу.

Бир-бирини сотишга тайёр, бировнинг йиқилганидан ҳузур қиладиганлар ҳозиру нозир бу замонда... ўз дўстининг, ҳатто унинг нозик қалбини асраш учун шунчалик теран ўйлайдиган одамлар бор-а!

Ҳилвираб қолган бу дунёни аслида шундай, ўз манфаатидан кечиб, ўзгаларнинг шаъни ва кўнглини ҳар нарсадан баланд қўя оладиган "Чин инсонлар" ушлаб турган бўлса, ажаб эмас.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:
Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay’ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, G‘afurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, G‘ayrat SHERALIYEV, Kumush EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
To‘xtamurod HASANBOYEV

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. **Bosh muharrir o‘rinbosari:** (55) 520-04-10.
Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. **Bo‘lim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
E’lonlar va hisob-kitob bo‘limi: (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 20:30. Nashr ko‘rsatkichi – 205.
6 882 nusxada chop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-835.
Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6